Сихатгоҳда дам олувчилар-нинг саломатликларини тиклаш учун замонавий тиббий жиҳозлар ўрнатилган. Яқинда Япония мах-сулоти бўлган «Олимпус» янги гастродиброскоп аппарати оли-нди, — дея сўхбатимизга қўшилди сихатгоҳ бошқаруви раисининг даволаш ишлари бўйича ўринбо-сари Махсуда Мадаминова. — Ушбу аппарат билан қизил ўнғач, ошқозон ва ўн икки бармоқли ичак текширилади. «Амок» деб номланувчи аппарат билан эса йўғон ичак тозаланади. Инфра-крас резонанс терапи хонасида дамламалар берилади. Мазкур сихатгоҳ тўрт бўлимдан иборат, яъни 1,2-ётоқ бўлими, ван-на, сув, лой билан даволаш бўлими ҳамда ташхис ва физио-терапия бўлими, шунингдек клиник-биохимик лаборатория мавжуд. 300 ўринга мулкжаллан-ган, жаҳон андозаларига мос қайта таъмирланган люкс хона-ларда дам олувчилар учун бар-

Н.Зокирова, Ш.Содиқова, Д.Йўлдошева каби кўли энгил, ширинсўзли ҳамширалар бемор-ларнинг саломатликларини тикла-дашда камарбаста бўлишмоқда. Сўхбатимиз жараёнида дам олув-чилар ҳам сихатгоҳ ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди-лар.

— Мен ушбу санаторийга 30 йилдан буён келиб даволана-ман, — дейди жаззахлик Ҳикоят Иномова. — Ёшим 73 да.Ошқо-зон, ўт пуфағим ва оёқларим оғриб туради. Кўли энгил шифо-кору ҳамширалардан жуда ҳам миннатдорман. Улар бизга ўша-лар қарияларга айниса жуда ме-хрибон, эътиборлидирлар. Даво-ланганимдан сўнг оғриқлар қолиб, ўзимни кундек энгил ҳис қиламан. Бу ердаги шарт-шароитлар менга жуда ёқади. Ушбу масканга кел-ганлар ҳеч зерикшмайди. Хар хил томошалар, кино, концертлар намойиш қили-нади, қизқарли танловлар ўтказилади.

«Чинобод» санаторий-си ўз номига муносиб обод ва гўзал маскан, — дейди наманганлик Ҳошимжон Неъматиллаев. — Бу ерга иккинчи йил келиб давола-

няман. Қандли диабет хастали-ги билан оғригандим. Бу ерда малакали шифокорлар дардим-га малҳам бўлишмоқда. Сихат-гоҳ менга жуда манзур бўлди. Хар томонлама шароитлар яхши. Замонавий апаратуралар дей-сизми, дори-дармон дейсизми... Айниса шифокор ва ҳамшира-лар жуда ғамхўр ва хушмуомала-ли эканлигидан хурсандимиз. Дарҳақиқат, бемор учун ав-вало бир оғиз ширин сўз ва эъти-бор зарур. Ушбу масканда дам олувчиларнинг кўпчилиги мана шундай дил изорларини билди-риб, раҳматларини айтиб, дуо қилишди. Шифокору ҳамшира-лар учун бундан ортиқ муко-фот бўлмаса керак албатта. Зеро, халқимизда «Олтин олма, дуо ол» деган нақл бежиз айтил-маган.

Санаторийда — А.Носиров, Х.Ачилова, Ф.Иномова, Х.Аме-дова, Д.Абдуқодирова сингари ўз касбининг билимдони бўлган тақрибали, олий тоифали шифо-корлар, шунингдек Н.Ахмедова,

Дилором ИКРОВОВА СУРАТЛАРДА: «Чинобод» санаторийси ҳаётдан лавҳа-лар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

*Ҳақимжон*

## ЯНГИ МАРКАЗ ОЧИЛДИ

Мамлакатимизда ёш авлод саломатлиги йўлида бир қатор самарали ишлар амалга оширил-моқда. Илгари хабар берганимиздаги Тошкент педиатрия тиббиёт институти кли-никасида хомийлар томонидан қайта таъмирланган Болалар кардиология маркази иш бошлади.




Марказ қайта жиҳозланган бола-лар интенсив терапияси бўлими, қўшимча операциялар бўлими ва операциялар залини ўз ичига ола-ди. Мазкур марказ жарроҳларга ча-қалоқлар ва болалар ҳаётини сақ-лашда камарбаста бўлишмоқда. Болалар кардиология марказининг инновацияси амалга оширилган мазкур лойиҳа Филадельфия шта-

тида (АҚШ) жойлашган «Carelift International» тиббий ёрдам таш-килоти, «First Data Western Union Foundation» фонди (АҚШ), Аме-рика Халқаро ривожланиш агентлиги ва Ўзбекистон Респу-блика Соғлиқни сақлаш зир-лиги ўртасидаги яқин ҳа-рилик натижаси бўлди. Ушбу ширклар-нинг мазкур лойиҳага қўшган ин-сонпарварлик ёрдами жами икки миллион доллардан ортиқ мик-дорни ташкил этди.

Биз ушбу ташкилотлар олди-да қардоримиз. Улар бизнинг ши-фокорларнинг Марказий Осиё мамлакатларида яшовчи ва юрак хасталиклари мавжуд бўлган бола-ларга сифатли тиббий ёрдам бе-риш имконини оширишлар, — дей-ди Тошкент Болалар кардиология маркази профессори, тиббиёт фанлари доктори Шомурод Тоҳи-

ров. Марказ очилишига қадар бу болаларнинг кўпчилигида оғир дарддан халос бўлиш умиди бўлган, жуда оз эди. Энди биз-нинг малакали шифокорлар бри-гадасида болалар ҳаётини сақлаб қолиш бўйича операцияларни ба-жариш учун барча техник имкони-ятлар мавжуд. «Carelift International» ташкилоти томонидан етказилган жиҳозлар ичида чақалоқлар учун сунъий нафас олиш аппарати, ане-стезия учун аппарат, ультратовуш аппарати, бошқариш қурilmалари ўрнатилган қаравотлар ва тиббий замбиллар, беморлар аҳолини кузатиш мониторингари мавжуд бўлиб, буларнинг бари зарур ёрдам материаллари билан таъ-минланган.

Ўзбекистон болаларига ёрдам бериш «Carelift International» тиббий ёрдам ташки-



лоти учун катта масъулиятдир ва биз бу болаларнинг келажақда соғлом ва бахтли бўлишларига умид қиламиз, — дейди ташкилот маъмурияти бошлиғи ва ҳаммуас-сиси Джеффри Глосс.

Гулором ҲАМИДОВА СУРАТДА: янги Болалар кар-диология маркази фаолияти-дан лавҳалар.

Наталья СЕМЕНОВА олган суратлар

# САЛОМАТЛИК — ТУМАН БОЙЛИК

## ҚЎЛИ ЕНГИЛ ҲАМШИРА

Биз айниса одамлар дардига дармон берадиган, бутун умрини, билим ва меҳна-тини халқ саломатлигига бағишлаган инсонларни ҳурмат қиламиз ва қадрлаймиз. Тиббиёт ходимлари орасида ҳамшираларнинг ўрни алоҳида. Беморлар уларнинг доимий назоратида бўладилар, ҳамширалар қўли билан барча даволаш чора-тад-бирлари амалга оширилади.

— Касбим билан жуда фах-рланаман, — дейди Ўзбеки-стон физиотерапия ва пульмоно-логия илмий-тадқиқот инсти-тутининг олий тоифали ҳамши-раси Ҳалима Камолова. — Қарийб чорак асрдан буён ушбу даргоҳда ишлаб келаян-ман. Дастлаб оддий ҳамшира, операция заҳмати унут бўлади. Халимаҳон ҳам узоқ йиллар давомида бе-морларни қўриб, иш таж-рибасини, ўзининг касбий маҳоратини ошириб, хар бир беморнинг ўзига хос характеришни чуқур ўрга-нишга ҳаракат қилиб кел-моқда.

— Беморларга такрор-такрор айтман-ки, соғлом турмуш тарзи ўрнини ҳеч нарсга боса олмайди, — таъкидлайди Ҳалима Камолова. — Касалга чалинган бемор учун



жарроҳлик бўлими ҳамши-раларининг иши анча оғир. Хаста одамларнинг дар-дига малҳам бўлиб келаёт-ган ҳамшираларга соғайиб чиқаётган беморларнинг қувончли, миннатдор ни-гоҳлари шундай қайғат берадики, тик оёқда ўтказ-ган тунлар заҳмати унут бўлади. Халимаҳон ҳам узоқ йиллар давомида бе-морларни қўриб, иш таж-рибасини, ўзининг касбий маҳоратини ошириб, хар бир беморнинг ўзига хос характеришни чуқур ўрга-нишга ҳаракат қилиб кел-моқда.

— Беморларга такрор-такрор айтман-ки, соғлом турмуш тарзи ўрнини ҳеч нарсга боса олмайди, — таъкидлайди Ҳалима Камолова. — Касалга чалинган бемор учун

дори-дармон билан бирга кун тартибига риоя қилиш, уйку, тўйимли овқат, тоза ҳаво ва по-кизалик «оёққа туришга ёрдам беради. Да-воланишнинг тез ва тўғри кечишида айниса беморнинг руҳий ҳолати катта аҳамиятга эга. Беморнинг ўзига ишончи, кўнгил хотиржа-мили — даволанишнинг асосий омилларидан биридир. Албатта, бу жараён кўпчилик меҳна-тига боғлиқ бўлади. Шу ўринда, албатта, ҳам-касбларимни алоҳида фахр билан тилга ол-моқчиман. Тиббиёт фанлари доктори, профес-сор Тўлқин Қориев, бўлим мудири, тиббиёт фанлари номзоди Шавкат Собировлар жарроҳ-лик бўлимида узоқ йиллар самарали фаолият кўрсатиб, замонавий усулларда энг мураккаб жарроҳлик ва даволаш ишларини бажариш-моқда. 20-30 йиллар давомида шу жойда фи-дойиллик билан ишлаётган қўли энгил, меҳ-рибон ва хушмуомала, олий тоифали ҳамши-ралар Лидия Бутенко, Матлуба Мухамедова, Захро Искандарова, Гулчеҳра Ҳамидовлар кўпчилик ҳурматига сазовор бўлмоқдалар.

Ўзгаларнинг соғлиғини ўйлаб, ўз бахтини топан инсонлардан бири ҳамшира Ҳалима Камолова ҳозир ҳам беморларнинг барча қувонч ва ташвишларига ҳамдам бўлмоқда. Эътилоҳка интилиб яшаган заҳматқаш, ўзи танлаган касбига садоқатли, камтар одамга омад ва бахт қўлиб боқади, деб бежиз айтил-маган экан.

Олим БЕКОВ СУРАТДА: Ҳалима Камолова (ўнгда) иш устида.

## БОЛАЖОНЛАР ДАРДИГА МАЛҲАМ БЎЛИШМОҚДА

Ҳаёт давом этар экан, умр йўлларида нотекисликлар, қийинчиликлар, муаммолар, турли хил касалликлар учраши табиий. Биз катталар хар қандай қийинчиликка чидай-миз, эртанги кун зарбаларини сабот билан енгамиз. Бирок болажонларимиз бошига мусибат тушса-чи, улар бетоб бўлиб қолишса-чи? Ўзимизни тўрт томонга урамиз, кўзи-мизга ҳеч нарсга кўринмайди. Фарзанд болдай азиз, уларсиз ҳаётни тасаввур қилиш қийин. Кейинги пайтларда болалар дардларига малҳам бўлиш, уларни турли хаста-ликлардан асоратсиз даволаш йўлида барча имкониятлар ишга солинмоқда. Жар-роҳлик бўлимларида хар хил жарроҳлик операциялари амалга оширилмоқда.

Биз Ўзбекистон Республика-си Соғлиқни сақлаш вазирлиги 2-Тошкент Давлат тиббиёт институтида бўлиб бу борада амалга оширилаётган ишлар билан танишишга ҳаракат қил-дик.


Болалар жарроҳлик бўли-ми 1992 йилдан бери фаолият юритади, — дейди бўлим бош шифокори Фаррух Тоҳиметов. — Уч ойликдан 14 ёшча бўлган болаларнинг аппендицит, эхи-ноккок, инакларнинг бузилиши, ўт йўллари кистоз зарар-ланиши, турли хил йирингли жароҳатлар, болаларда меъда ярасида қон кетиши каби хаста-таликлари жарроҳлик йўлла-ри билан даволаймиз. Қўли-миздан келган ёрдамни аямай-миз.

— Хар, болажонларимиз соғ бўлишин, — дея сўхбатимиз-га қўшилди тиббиёт фанлари номзоди Озод Садирхонов. — Бугунги кунда бўлимимизда жуда кўп болалар даволанмоқ-да. Албатта тиббиёт тили би-лан айтсак бунинг турли хил са-баблари бор. Хар қандай ша-ротнда ҳам биз шифокорлар қўлимиздан келган ёрдамни иложи борида тезроқ берамиз. Ота-оналар ҳам болаларнинг соғлиғига, қийинишига, овқат-ланиш режимида эътиборни қўйайтирсалар, нур устига аъло нур бўлар эди.

Дарҳақиқат, Озод ака ҳақ гапни айтди. Биз болалари-мизнинг соғлиғи учун янада масъулроқ, талабчанроқ бўли-шимиз шарт. Болалар жарроҳ-лик бўлимида профессор Шав-кат Салимовнинг йўл-йўриқла-ри, маслаҳат-лари ёш ши-фокорларга, бўлимда ама-лиёт ўтаётган талабаларга доимо асқо-тиб келмоқда.

Бўлимда қўли энгил, ёш жарроҳ-лардан Ақром Абдурахмо-нов, Рустам О ч и л о в сидқидилдан меҳнат қилиб болажонлар-нинг дардига малҳам бўлиб, ота-оналар-нинг дуосини олишмоқда. Шунингдек, ҳамширалар ҳам болалар атрофида пар-вона. Улар на-инки шифо усуллари, балки ширин сўзлари билан ҳам улар-га ҳамдардидилар.

Дунёда бола кулгусидан, Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: Болалар жарроҳлик бўлими фаоли-тидан лавҳалар.



Гулчеҳра ДУРДИЕВА СУРАТЛАРДА: Болалар жарроҳлик бўлими фаоли-тидан лавҳалар.

## МЕН СИЗДАН ДАВО ТОПДИМ

Шифокорлар хар томонлама мактовга лойиқ касб эгасидирлар. Хар касбнинг ўзига хос қий-инчилиги бўлганидек, шифокорларда ҳам қийинчиликлар бор. Зеро, шифокор қўлида инсон ҳаёти, тақдири туради.

Шифокорнинг биринчи тиббий ёрдами, унинг беморларга бўлган муомаласидир.

Мен яқинда шифокор кўрсатмаси билан, Юну-собоуд туманида жойлашган 26-поликлиникага бор-дим. Дастлаб кўз шифокорига кирдим. Мени ши-рин сўз, очик чеҳра билан бир опахон, кўз шифо-кори Қўтуб Асламова, ҳамшира Зўхра Юнусова-лар қабул қилдилар. У хонадан кўзаларини шифо-корнинг ширин муомаласидан тузалиб қолгандек рухан тетик бўлиб чиқдим, сўнгра рентген хона-сида ҳам хушмуомала, очик чеҳра билан лаборант ҳамшира Гуландон Шарипова қабул қилди.

Ўлмас ҲАСАНБОВ

Беморга бундай эътибор, ширинсўзлик мени шундай руҳланттирдикки, мен умуман касалими-ни унутмайдим. Сўнгра стоматолог Баҳромжоннинг хузурига бордим, бу шифокор ҳам муомалада, беморга тасалли беришда менимча энг юкори поғонада бўлсалар керак.

Хуллас 26-поликлиникадан руҳим энгил тортиб хурсанд бўлиб қайтдим. Шундай хушмуомала, бе-морлар дардига малҳам бўлишадиган шифокору ҳамширалар ораимизда яна ҳам кўпайса нур устига аъло нур бўларди.

Ўлмас ҲАСАНБОВ

туради. Маълумки, инсулин етишмовчили-ги қандли диабет хасталигига олиб келади. Гипо-тиреоз хасталиг билан оғриган беморнинг холи қурийд, салга чарчаб қолади, хотираси сусайиб кетади, совқотди, иши пайдо бўлади, териси қуруқшаб, сочи тўқилади, семиртки кетади. Оила аъзоларидан бирор-тасида юкорида айтиб ўтилган ўзгариш-лар пайдо бўлганда тезлик билан шифо-корга учрашиб, маслаҳат олиш, албатта даволаниш керак. Меъда ости беги фао-лиятининг бекаму кўст бўлиши айниса катта аҳамиятга эга, чунки у ишлаб чиқа-радиган инсулин гормони ўтгевод ала-шинувидан ташқари, моддалар алмаш-инувининг бошқа турларини ҳам бошқариб

Тиреозид гормонлар етишмовчилиги ги-потиреоз хасталигига олиб келади. Гипо-тиреоз хасталиг билан оғриган беморнинг холи қурийд, салга чарчаб қолади, хотираси сусайиб кетади, совқотди, иши пайдо бўлади, териси қуруқшаб, сочи тўқилади, семиртки кетади. Оила аъзоларидан бирор-тасида юкорида айтиб ўтилган ўзгариш-лар пайдо бўлганда тезлик билан шифо-корга учрашиб, маслаҳат олиш, албатта даволаниш керак. Меъда ости беги фао-лиятининг бекаму кўст бўлиши айниса катта аҳамиятга эга, чунки у ишлаб чиқа-радиган инсулин гормони ўтгевод ала-шинувидан ташқари, моддалар алмаш-инувининг бошқа турларини ҳам бошқариб

Гуллашда НАЗИРОВА, Республика саломатлик институти Тошкент шаҳар филиалининг бўлим бошлиғи



## Огоҳлик — давр манаби

### ХАЛҚИМИЗ БИРДАМЛИГИ — КАТТА КУЧ

«Маънавият ва маърифат» марказининг Хамза тумани бўлими ташаббуси билан тумандаги ҳарбий қисмда «Терроризм ва унинг салбий оқибатлари» мавзусида тадбир бўлиб ўтди.

Тадбирда «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент шаҳар бўлими маърузачиси, ҳуқуқшунос Али Амреев «Терроризм ва диний экстремизмга қарши кураш» мавзусида маъруза қилиб, терроризм аталмиш ёвузликнинг маъносини, унга қарши курашда барчанинг доимо огоҳ ва сергак бўлиши лозимлиги, бу ўринда ўсиб келаётган ёш ашҳадни маърифатли этиб вояга етказиш кераклиги, шунингдек, мавҳум воқеаларнинг гувоҳи бўлганда тезда ишонч телефонларига шошилинч хабар бериш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтди.

— Ҳарбийларимиз юртимиз посбонлари бўлгани сабабли биз бундай тадбирларни айнан ҳарбий қисмларда ўтказишни маъқул топдик, — дейди жумладан «Маънавият ва маърифат» марказининг Хамза тумани бўлими раҳбари Шахноза Одилхонова. Кўплаб ҳарбийлар иштирок этган ушбу тадбирда ҳар бири киши маърузачининг сўзларини тинглаб, ўзини қизиқтирган саволлар билан мурожаат этди. Огоҳлик, сергаклик, ҳушёрликка чорловчи бу каби тадбирлар туманимизнинг барча ҳудудларида ўтказиб келинмоқда. Ёвуз ниятдилар, тинч оёқда кунимизга раҳна солишга интилаётган кимсалар ҳеч қачон ўз максадларига етолмайдилар. Чунки халқимиз бирдамлиги, биродарлиги энг катта кучдир.

## «Қамолот»

### КЎКРАК НИШОНЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

«Қамолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатининг Бектемир тумани бўлими ҳамда «Қамалак» болалар ташкилоти ташаббуси билан ёшларга тантанали равишда кўрак нишонларини топшириш маросими ўтказилди.

Тумандаги 5 та мактабнинг «Қамолот» ва «Қамалак» аъзолари жами 100 нафардан ошқан ўқувчилар иштирокида ўтказилган ушбу тадбирда барча ёшлар қасамёд қилишиб, яхши ўқишга, Ватан ривожига ўзларининг муносиб ҳиссаларини қўшишга, доимо илгор бўлишга ваъда беришди. Сўнгра тантанали равишда «Қамолот» ва «Қамалак» нишонларини тақдим қилишди.

— Шунингдек таъкидлашнинг ҳоҳлардимки, «Қамолот» биз ёшларни доимо бирдамликка чорлайди, — дейди 293-мактаб етакчиси Азиз Баратов. — Биз ҳам шу ўринда ташкилот аъзолари сифатида барчага ўрнатилган бўлишимиз, билимимиз, интилишимиз билан кўннинг эътиборини қозонишимиз, ҳурматига сазовор бўлишимиз керак.


Орзугул РУСТАМОВА

## Транспорт

Биз фотомўҳбиримиз билан мўлжалдаги бекатда тушиб автожамланма томон борар эканмиз, ҳайратланганча манзил тўғрими, дегандек бир-биримизга тикилдик. Боиси бундан 2 йил аввал аҳолидан тушган шикоят хати туфайли мазкур корхонада бўлгандик. Гап «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компанияси тасарруфидagi 2519-автокорхона ҳақида бормоқда...

Оз эмас, кўп эмас, 4,7 гектар майдонни эгаллаган корхонада қурилиш-ободонлаштириш ишларининг кўламини кенг. Ташқарида қасаба кўмтаси учун мўжазгина замонавий услубда қурилган бионинг нафақат кўрамлиги, балки барча керакли мебель ва жиҳозлар билан таъминланганлиги, айниқса, бир неча катта чиройли гултувакларда барқ уриб ўсаётган лимон ҳамда манзарали гуллар ҳар қандай кишининг баҳри-дилнини очши шубҳасиз. Корхона директори тадбиркор раҳбар, тиниб-тинчимас инсон — Абдурахмон Файзуллаевни биз қурилиш майдонига учратдик.

— Ҳар бир раҳбар инсон омилини кўтариш, ишчи-хизматчилари манфаатини қўлаган ҳолда иш юритсагина жамиятимиз тинч, халқимиз фаровон ҳаёт кечиради, деб ўйлайман, — дейди автожамланма раҳбари. — Бугунги кунда корхонамизда 406 нафар ишчи-хизматчилар меҳнат қилишмоқда. Тасарруфимизда 128 та автобуслар бўлиб, мақсадимиз пойтахтимизнинг кенг, равон йўллари бўйлаб қатнаётган барча йўналиш автобусларида аҳолига намунали хизмат кўрсатиш. Яъни, йўловчиларнинг оғирини енгил қилиб, кўзлаган манзилларига бехатар етказиш йўлида



## ЭЗГУЛИКНИНГ ЭРТАСИ БОР

жамоа аҳли сидқидилдан меҳнат қилмоқда.

Кувонарлиси, 2003 йилда корхонага «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компанияси томонидан ажратилган 27 та «Мерседес-Бенц Конекто-0345» русумли замонавий, кўркам, бошқариш осон, асосий аҳоли учун жуда қўлай бўлган, жаҳон мамлакатларида яхши баҳоланган автобуслар келтирилди.

Ишчи-хизматчилар ҳақида қайғуриш уларнинг унумли меҳнат қилишлари учун етарли шарт-шароитлар яратиш кераклигини яхши англаган раҳбарнинг саъй-ҳаракатлари туфайли охириги бир йил мобайнида катта ҳажмдаги ишлар амалга оширилди. Мисол учун корхона чилангарларнинг маоши ўтган йили 40-45 минггача ташкил этган бўлса, жорий йилдан улар 120 минг сўм маош олишмоқда. Эътиборли томони, чилангарларга ишларига яраша ишбай усулда ҳақ тўлаиши жорий қилинган — унумли меҳнат қилсанг, шеригингдан 2 баравар ҳам кўпроқ маош олишинг мумкин.

Автокорхонанинг таъмирлаш устaxonаси унинг «юрги» ҳисобланади. Сабаби, бугун

ги бозор иқтисодиёти шароити талабларидан келиб чиққан ҳолда ишни ташкил этиш, яъни транспорт воситаларининг «умрини узайтириш» айна малакали, ўз ишининг усталари бўлган чилангарлар кўлида. Устaxonада иш 3 сменада ташкил этилган. Кундалик профилактика, керак бўлганда сифатли таъмирлаш туфайли ҳам корхона жамоаси қиммат бўлган эҳтиёт қисмларга камдан-кам ҳолларда эҳтиёж сезади. Иқтисод қилинган маблағлар эса корхона ривожлантириш, ишчи-хизматчиларининг ижтимоий ҳимоялашга сарфланмоқда.

Файрат-шижоатли, малакали чилангарлардан Шерзод Фафуров, Геннадий Портенко, Володя Дектярёвлар тажрибали токарь Лёша Оверьянковлар меҳнатлари корхонанинг техник хизмат кўрсатиш соҳасини ривожлантиришга баракали ҳисса қўшмоқда. Улар учун замонавий тарзда қурилган Европа стандартлари талабларига тўла жавоб берадиган ечинини - ювини хоналари ишлаб турибди.

Бундан ташқари, бугунча корхонадаги 2200 квадрат метр том профил билан қоп-

ланди ҳамда ой охиригача яна 700 квадрат оқ тунука томларга қоқилади. Ишчи-хизматчиларнинг бўш вақтларида хордиқ чиқаришлари учун махсус хона қурилиши ҳам жадал суръатларда давом этмоқда. Кузги-кишки мавсум учун ишчиларга махсус кийим-бош тайёрланмоқда. Бу ишларга барча маблағ корхона ҳисобидан сарфланмоқда. Шунингдек, корхона раҳбарияти ишчи-хизматчиларининг соғлиқлари ҳақида ҳам доимий қайғуради. Уларнинг таътил пайтида соғлиқларини тиклашлари учун салмоқли пул ажратилади, корхона тасарруфидagi тиббиёт пунктида жамоа аҳлига бепул тиббий хизмат кўрсатилади.

Корхона тадбиркорлари яна бир хайрли ишга қўл уришди. Бу ерда қурилиб, яқин кунларда иш бошлайдиган маиший хизмат мажмуаси — замонавий тикувчилик цехи, ателье, сартарошхона ҳамда пойабзал устaxonаси нафақат автокорхона жамоасига, балки «Гулзор» маҳалласи аҳлига ҳам қатор қўлайликлар яратиши шубҳасиз.

Хуллас, халқимизда «Харакатда—баракат» деган нақл бежиз айтилмаганлигига яна бир бор амин бўлдик. Жамоаси манфаати йўлида жонбозлик кўрсатаётган раҳбар фаолиятдан қониқиб ҳисси билан автокорхонани тарқ этар эканмиз, шундай аҳил жамоалар ва оқил раҳбарлар сони кўпаяверсин, деган ният билан йўлга отландик.

Муҳаббат  
ҲАБИБУЛЛАЕВА

СУРАТЛАРДА: «Тошшаҳарйўловчитранс» акционерлик компаниясига қарашли 2519-автокорхона жамоаси фаолиятдан лавҳалар.

Ҳакимжон Солиҳов  
олган суратлар.



## НАНОТЕХНОЛОГИЯЛАР СОҲАСИДАГИ ҲАМКОРЛИК

Замонавий фаннинг энг истиқболли йўналишларидан бири олдиндан белгиланган хусусиятларга эга материалларни яратиш ҳисобланади.

Ўзбекистонлик олимлар ҳам бундай материалларни ишлаб чиқиш билан фаол шугулланмоқда. Уларнинг бу борадаги утуқлари эса бугунги кунда бутун дунёда эътироф этилган. Шу боис Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Полимерлар кимёси ва физикаси институтида ташкил этилган «Полимер нанотехнологиялари шакллантиришнинг назарий жиҳатлари» мавзусидаги халқаро семинарда кўплаб мамлакатлар, жумладан доимий ҳамкорлик алоқалари йўлга қўйилган Исроил, Россия, Қозғистондан етакчи олимлар иштирок этмоқда.

— Белгиланган фойдали хусусиятларга эга материалларни яратиш учун нанотехнологияларни қўллаш жаҳон фанини ривожлантиришда муҳим қадам

бўлди, дея таъкидлади семинарни очар экан, Полимерлар кимёси ва физикаси институти директори, академик С.Рашидова. Бу борада Ўзбекистонда улкан тажриба тадқиқотлари олиб борилмоқда, уларнинг назарий базаси режа асосида ривожланмоқда. Масалан, кейинги пайтда машинасозлик, қишлоқ хўжалиги, тиббиёт, фармакология каби соҳаларда қўлланаётган қатор янги полимер материаллар синтез қилинди. Хорижий ҳамкасблар билан йўлга қўйилган алоқалар эса бу фаолиятни кенгайтиришга ёрдам бераётди.

Семинарда бу каби тадқиқотлар юқори технологиялар соҳасига ҳам тегишли экани таъкидланди. Улар атом ва молекулалар даражасида ўтказилмоқда. Бу эса ўзига хос бирикмаларни шакл-

лантириш имконини беради. Мисол учун, институт олимлари сувда эрувчи полимер қорималар, турли наногибрид ва наногавак материаллар, конструкцияга мўлжалланган бирикмаларнинг биологик фаол доривор воситаларининг нанотизимларини ишлаб чиқди. Бироқ, семинар иштирокчилари ўз қишлоқларида бу соҳада ҳали ўрганилмаган нарсалар кўплиги ҳақида гапирди. Шу сабабли аниқ ишланмалар ва уларни илмий асослаш юзасининг туғилиши ҳамда уни яратиш йўлини қисқартирадиган назарий тадқиқотлар кўламини кенгайтириш муҳимдир.

Уч кун давомида семинарда полимерлар тўғрисидаги фан соҳасида асосли тадқиқотларни ривожлантиришнинг замонавий йўналишларини очиб берадиган 30 та илмий маъруза тақдим этилди.

Шунингдек, семинар иштирокчилари Ўзбекистон ва бошқа мамлакатлар олимларининг ҳамкорлиқдаги янги лойиҳаларини амалга ошириш имкониятларини муҳокама этиб, келгусидаги ҳамкорлик йўналишларини белгилайди.

## Ташвиқотга бой ўлка

### ТАШВИҚОТГА БОЙ ЎЛКА

Баъзан ташвиқот тартиб-тўғри ҳисобида сўз кетганда АҚШ ҳақида шундай гап кулоққа чалиниб қолади: ташвиқот ботида уларга тенг келадиган мамлакат йўқ. Бу бежиз айтилмаган, албатта.

Статистик маълумотларга қараганда бу юртда истиқомат қилувчи ҳар бир кимсани: жинси, ирқи, ёши ва ҳоказолардан қатъи назар бир кеча-кундузда тўрт ярим минг ташвиқот маълумотлари тўғри келар экан. Ташвиқотларнинг ҳаддан зиёд ортиб кетиши катта тартиб-тўғриликларни келтириб чиқаради. Бу эса ташвиқот соҳибларига катта қийинчиликлар туғдириши табиий. Сабаби истеъмолчини сал бўлса-да, ташвиқотга ишонтириб, ўзига оғдириб олиш йўлини топиш керак-да. Хозирда энг қулай йўл машҳур кимсалардан фойдаланиш ҳисобланмоқда уларнинг назарида.

### ПЕЛЕ-САЛОМАТЛИК ТАРАФДОРИ

Футбол қироли Пеле Кока-кола ишлаб чиқарувчилар билан ташвиқот шартномасига имзо чекди. Унга биноан тўртта клиппа тасвирга тушиб, икки миллион доллар олади.

Пеленинг сўзларига қараганда у бот-бот турли товарлар ташвиқотида иштирок этмоқда. Бироқ бу футбол қироли дуч келган молларни ташвиқот қилаверади, дегани эмас.

Бу ҳақда ўзи шундай дейди:

— Мен соғлом турмуш тарзи тарафдориман. Фақат инсонлар саломатлигига зиён-заҳмат етказмайдиган маҳсулотларни ташвиқот қилишга тайёрман. Масалан, мен яқинда йирик тамаки ишлаб чиқарувчи компаниянинг бу борадаги катта даромадди тақдирини рад этдим (аслида шунинг ўзи футбол қиролининг чекизи зиёлиги ҳақида ташвиқоти эмасми).

Олтимишдан ошган футболчиларнинг ташвиқотларига олаётган мўмай даромадлари ҳалолдир.

### ГЎЗАЛЛИК ЁШДА ЭМАС

Олтимиш ёшлардаги француз актрисаси Катрин Денёв ташвиқотчи қиёфасига айланган. Шу муносабат билан ташвиқотга шартнома тузган косметика компаниясининг раҳбарияти куйидагиларни айтди:

— Катрин Денёв француз гўзаллиги ва нафосатини намойиш этиш жиҳатидан бутун оламга маълум ва машҳур. Унинг қиёфасида афсонавий гўзаллик маъжуд.

Актриса нафис сочларга оро бериш борасидаги ташвиқот шартномасига имзо чеккан. Шунга қарамадан шартлашувга алоҳида модда киритилган: ташвиқот чоғида актрисанинг ёши кичирйтириб кўрсатилмайдиган. Катрин шунга қаттиқ туриб олган. Чунки у ҳамон гўзалдир.

Мурод ФАХРИДИНОВ тайёрлади



Халқимизда «Ўт балосидан, сув балосидан, бевақт фалокатдан ўзинг асра» деган ажойиб ҳикмат бор. Албатта, бу гап бежизга айтилмаган. Чунки кўпинча ана шундай ноҳус воқеаларнинг сабабчиси ўзимиз бўлиб қоламиз. Ваҳоланки, унинг олдини олиш ўзимизнинг ҳушёрлигимизга, сай-ҳаракатларимизга боғлиқ.

### Таздан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги

## УЮШҚОҚЛИК БИЛАН ЎТМОҚДА

Маълумки, пойтахтимизда ҳар йили анъанавий тарзда «Таздан хавфсиз фойдаланиш икки ойлиги» сентябрь-октябрь ойларида ўтказилади. Жамоамиз ахли ҳам ушбу тадбирни уюшқоқлик билан ўтказишга ҳаракат қилишмоқда. Бунинг учун эса нафақат соҳа ходимлари, балки туманимиз аҳолиси, барча истеъмолчиларни ҳам жалб этмоқдамиз. Тумангаз бўлими томонидан икки ойликни муваффақиятли амалга ошириш режалари ишлаб чиқилган бўлиб, белгиланган чора-тадбирларни ўз вақтида бажаришда ходимларимиз фаоллик кўрсатишмоқда. Аҳоли, яъни истеъмолчиларга маҳалла гузарларида, бозорларда, корхоналарда «зангори олов» ҳавф-хатарсиз, оқилона ва тежамкорликка эътибор қаратган ҳолда исрофгарчиликсиз фойдаланиш, ёнғин келиб чиқиши олдини олиш борасида суҳбат ва учрашувлар ниятда қўл келмоқда.

Шуни айтиш лозимки, туманимизда дудбурони бор газ ускуналари 33339 тани ташкил этиб, шу кунгача уларнинг 32300 тадан зиёди назоратдан ўтказилди ва ишга яроқлилиги ҳақида далолатномалар тўзилди. Ходимларимизнинг ҳар бири ўзларига бириктирилган хонадонларда бўлиб, уй шароитида газ асбобларидан фойдаланиш қонун-қоидалари ҳақида суҳбатлар ўтказишмоқда.

Газдан эҳтиётсизлик билан, шунингдек ноқонуний фойдаланиш, қонун-қоидаларни билмаслик кўп ҳолларда кўнгилсиз фожеали ҳодисаларга, ёнғин келиб чиқишига сабаб бўлади. Шу боисдан ҳам икки ойлик давомида ўтказилаётган суҳбат ва учрашув-

лар, радиоузеллар орқали чиқишлар яхши самара беришига аминимиз.

Шунингдек, ўтказилаётган ушбу тадбир давомида ёз бўйи қилинган ишлар, яъни туман газ хўжалигини киши мавсумига тайёрлашни ниятлашда ҳам муҳим аҳамият касб этади. Тумандаги аҳолига газ етказиб берадиган пунктларнинг 104 таси техник қуриқдан ўтказилиб, қишга тайёр ҳолатга келтирилди.

Газдан хавфсиз фойдаланиш икки ойлигини уюшқоқликда олиб бориш, албатта ноҳус ҳолатларнинг олдини олибгина қолмай, аҳолини мунтазам «зангори олов» билан таъминлашда, кундалик турмушимизга чуқур сингиб кетган газни вақтида бехатар етказиб беришда катта аҳамият касб этади. Шу боисдан ҳам ҳар бир истеъмолчи икки ойликда фаоллик кўрсатса фойдадан холи бўлмайди. Улар бу билан ўз хотиржамликларини таъминлайдилар, хонадонларида ҳаммаша табиий газ бўлишига муҳим ҳисса қўшадилар.

Шу ўринда, истеъмолчиларга шунинг эслатиш лозимки, газ асбобларининг бекорга ишлаб туришига йўл қўймаслик, ёқилган газ плиталари, иситиш печлари устида ювилган кийимларни қуритмаслик зарур. Ёқилган газ ҳақини эса вақтида тўлашга эришиш ҳар бир истеъмолчининг бурчи ҳисобланади. Сирасини айтганда табиий газ қиммат-баҳо бойлигимиз саналади. Ундан оқилона фойдаланиш, тежаб-тергаш эса фақат ўзимизга фойда.

Искандар ШАМСИЕВ,  
«Тошшаҳаргаз» ҳудудий газ таъминоти корхонаси Акмал Икромов филиали катта устаси

### Табиат ажойиботлари

## СИРЛИ МОЛЛЮСКАЛАР

Бошбўкли моллюскаларнинг сирли томони шундаки, улар ўлим талвасига тушганда ҳам рангини ўзгартириверади. Маълумки, калмар танасида ёруғ бериб турадиган чироклари бор, лекин бундай ёруғ бериш аъзонинг вазифаси нимадан иборат эканлиги ҳозирча аниқ эмас.

Биринчи бешазда моллюскалар сирлидан фойдаланган. Душмандан чўчиб кетган калмар унга қараб қора сиёх суюқлигини фаввора шаклида отади, ўзи эса сув рангига кириб, яъни қора рангини йўқотиб хавфсизроқ жойга ўзини олади. Калмарларнинг кўзи анча мураккаб тузилган. Кўп жиҳатлари билан билик кўздан устун туради. Қизиги шундаки, калмар кўзи билан одам кўзи тузилишида анча ўхшашлик бор. Калмар кўзининг қорачиги ҳаракат қилади, ҳатто айла-

ниши мумкин, бундай хусусият эса жониворга кўз қосасини қимирлатмасдан нарсаларни кўриш имконини беради.

Калмарлар йирик қисқичбақа қабилар билан озиқланиб, одамлар учун анча танаси ҳисобланган ҳайвонларга қирон келтиради. Калмарларнинг ҳам қушандалари бисёр, қашалот, китлар, дельфинлар шулар жумласидандир. Лекин уларнинг энг хавфли душмани одам ҳисобланади. Уммон сувларидан овланадиган жони-

Айни кунларда «Экосан» Халқаро ташкилот ташаббуси билан республикамиз аҳолиси-га қулай барқарор экологик вазиятни таъминлаш мақсадида анъанавий тарзда уч босқичда ўтказилаётган «Экология ва саломатлик кунлари» ўз ижобий натижаларини кўрсатмоқда.

## ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК КУНЛАРИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан тасдиқланган «Экология ва саломатлик кунлари»нинг Мустақиллигимизнинг 13 йиллиги ҳамда Ўзбекистон Конституцияси кўнига бағишланган учинчи босқич тадбирларини амалга ошириш жараёнини муҳокама қилиш мақсадида «Экология ва саломатлик кунлари»ни ўтказиш бўйича Республика ташкилий қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда вазирлик ва идоралар, шаҳар ва туман ҳокимликлари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари ҳамда вакиллари иштирок этдилар.

Йиғилишда таъкидланганидек, экология ва саломатлик кунларининг мақсади қулай барқарор экологик вазиятни таъминлаш, турли касалликлар тарқалишининг олдини олишни, фуқароларнинг яшаш ва иш жойларида санитария-гигиена нормаларига риоя қилинишини таъминлаш, ҳудудларни ободонлаштириш ва кўкаламзорлаштириш, табиатга эҳтиёткорона муносабатда бўлиш каби анъаналарни тиклашдан иборатдир. Экология ва саломатлик кунларини ташкил этиш ва ўтказишда ҳокимликлар, вазирликлар, идоралар, корхона ва ташкилотлар, муассасалар, уқув юртлари, жамоат ташкилотлари, хусусий компаниялар, шунингдек турар жойлардаги минглаб аҳоли иштирок этади ва анъанавий тарзда уч босқичда атроф-муҳит муҳофазасига йўналтирилган тадбирлар амалга оширилади. Масалан, бу йил биринчи ва иккинчи босқич доирасида ҳудудларни ободонлаштириш ва санитария-гигиена жиҳатидан тозалаш юзасидан ўтказилган экологик ҳашарларнинг ҳар бирида 6 миллиондан зиёд киши иштирок этиб, 2,5 миллион тонна маийши ва саноат чиқиндилари шаҳар ташқарисига олиб чиқилди, 4,5 минг километр узунликда ариқ-зовурлар тозаланди. Шунингдек, маҳаллаларда ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Ҳашарлардан тушган маблағлар экологик жиҳатдан носоз бўлган ҳудудлар аҳолиси, ижтимоий объектларга инсонпарварлик ёрдами сифатида сарфланди.

Сентябрь ойидан бошлаб эса Экология ва саломатлик кунларининг учинчи босқичи бошланди. Ушбу босқич доирасида қишга тайёрларик кўриш, ҳазонларни тўплаш, сақлаш ва компостлаш учун махсус майдонлар ажратиш, иситиш тизимларини таъмирлаш, атроф-муҳитни ифлослантирувчи ва инсон саломатлигига салбий таъсир қилувчи сабабларни аниқлаш ва бартараф этиш, корхоналарда тозалаш қурilmалари, чанг, газтутқичларни таъмирлаш каби тадбирлар амалга оширилмоқда.

Шаҳримиз янада обод ва озода, кўркам масканга айланиши учун ҳар биримиз экология ва саломатлик кунларида фаол иштирок этишимиз керак албатта.

Гулором ЖҲРАЕВА

ворлар орасида калмарлар балиқлардан сўнг иккинчи ўринда туради. Дунё уммонларида бу жониворларнинг заҳираси битмас-туганмаса ўхшайди. Бунинг сабаби улар бир йилда икки марта кўпаяди.

Калмарларнинг кўпчилиги унча катта бўлмайди, лекин ўта йириклари ҳам учраб туради. Оғирлиги икки тонна, узунлиги 18 метр келадиганлари ҳам бор. Бундай муҳаббатлилари одамларга ҳаёт қолса яхшиликка олиб келмайди, албатта.

II жаҳон уруши даврида ҳалокатга учраган сув ости кемасидаги одамлардан бир нечасини калмарлар кемадан олиб кетган, бундай йириклари қашалот каби йиртқичлар билан ҳам яққамаякка олиша олади.

ХАЁ ДАВЛАТОВ,  
биология фанлари доктори.

## Шарқ дурдоналари

Оз-оз ўртаниб  
домо бўлур...

● Хикмат. Бойлик ўткинчи нарсасидир. Оқил киши ўткинчи ҳою хавасга берилмайди.

Байт:

Бойлик роҳат бўлса

ҳам сенга,

Фано губоридан

бўлади барбод.

Ҳақиқий бойлиқни

кирит қўлингга,

Икки кунлик нарсаси

учун бўлма шод.

● Гуноҳни кечмоқ инсон учун ярашимли ҳулқдир.

● Дўст уч табақа бўлади. Биринчиси, оқат қабиридир ва улардан ҳеч ажраб бўлмайди. Иккинчиси, давога ўхшайди ва уларга гоҳ-гоҳ иш тушади. Учинчиси, дардга ўхшайди ва улардан ҳеч яхшилик келмайди.

Байт:

Толем ёр билар

дўстлиқнинг қадрин,

Мухаббат меҳрини

уриб жонига.

● Хикмат. Ваҳоб ибн Маънанинг айтишича, ҳийладан холи бўлмаган олим ўғридир. Ақл либосини киймаган ҳар бир одам ҳайвон билан тенгдир.

Байт:

Нодон хато қилса,

раводир унга,

Айб қўйиб бўлмас,

йўлни билмайди.

Ҳайвондан минг

марта ёмонроқ ҳар ким,

Йўлни билиб унга

амал қилмайди.

● Бир кун Анушервон мажлис уюштирган ва мулозимларидан: «Энг юмшоқ нарсаними?» деб сўради. Биров: «Шоҳи» деб жавоб берди. Биров эса: «товуқ патлари» деди. Яна бирови эса: «Шоҳидан ҳам юмшоқроқ нарсаними бўлиши мумкин» деди. Шу онда ҳалиги йигит сарой устида турган эди. Мулозимлар жавобидан Анушервоннинг кўнгли тўлганганини кўриб, сўзлашга ижозат сўради. Ижозат бўлгач деди: «Энг юмшоқ нарсани тинчликдир!» Анушервон унга офари айтди ва яна сўради: «Энг яхши оқват нима?» Йигит: «Шаҳвоний қувватни оширмайдиган ва танда иллат кўзгатмайдиган оқват энг яхши оқватдир!» деди. Яна сўради: «Энг яхши шароб қайси?» Жавоб берди: «ақлини зое қилмайдиган, касаллик кўзгатмайдиган». Яна сўради: «Гуллардан энг хуш ҳидлиси қайси?» Жавоб берди: «Ота-она тирикчилигида хурсанд қиладиган, ўлганда номини боқий қиладиган, ҳаёт гули бўлган муносиб фарзанддир!»

● Хикоят. Ривоятлардан маълум бўлишича, ҳинд ҳақимларининг умри узок, ақли эса ўткир бўлади. Бунинг сабаби кам емандир. Улардан бири бодом мағиздан катта оқват емас ва бу ҳолни уч кунсиз тақорламас эди.

Китъа:

Бир ҳақимдан

эшитдимки, ўлиқдан,

Сўрса ўлмок учун

сабаб не ҳар чок,

Ўндан тўққиз ўлик

жавоб беради,


Ўлим сабабидир кўп

оқват емок.

● Хикмат. Бир вақт Хирот шаҳридаги фалакия мадрасасида ваъз ўқир эдим. Бир дарвеш: «Алиф тўғрилиқни ва ҳамма ҳарфлардан олдинлиқни қандай қўлга киритди?» деб сўраб қолди. Мен дедим: «Озодалик ва барча нарсалардан фориқлик билан. Қўрмайсанми, «бе»нинг нуқтаси (яъни доғи) борлиги учун, эгриликдан қўтулиб, олдинга ўтолмайди!» дедим.



Болалиқнинг бегубор ва бахтиёр дамлари қувончли ва унутилмас таассуротларга бойдир.



## ТОШКЕНТДА WESTERN UNION ВАКОЛАТХОНАСИ

Тошкентда WESTERN UNION компаниясининг Марказий Осиё бўйича минтақавий ваколатхонаси очилди.

Мазкур компания ўзининг дунё бўйича тезкор пул жўнатмаларини амалга ошириш бўйича катта тажрибага эга. Дунёнинг 195 мамлакатидеги миллионлаб кишилар ўз пул маблағлари жўнатмасини компанияга ишониб топширишади. 2001 йилдан буён WESTERN UNION мамлакатимиз аҳолисига ҳам хизмат кўрсатиб келмоқда. Бугунги

кунда юртимизда фаолият юритаётган 36 та банкдан 20 таси билан компания ҳамкорлик қилмоқда. Компаниянинг 370 та шохобчаси аҳолига намунали хизмат кўрсатиб, ўз мижозларига эга бўлаётганлиги фикримизга яққол мисол бўла олади. Компаниянинг Тошкентдаги очилган ваколатхонаси дунё давлатлари бўйича 44- ҳисобланади.

Компания мутахассисларининг таъкидлашича, Ўзбекистон Марказий Осиё минтақасида жадал суръатлар билан ривожланиб бораётган давлат ҳисобланади. Айнан шунинг учун Марказий Осиё бўйича ваколатхона Тошкентда очилди. Бу компаниянинг мамлакатимиздаги фаолиятининг кенгайтирилганидан далолат беради.

Ушбу ваколатхона компания фаолиятини кўтариш, хайрия, хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантириш, давлат органлари билан ҳамкорлик ўрнатиш каби вазифаларни амалга оширади.

## БОЖХОНА ТИЗИМИ

Жаҳон божхона ташкилотининг ташаббуси ҳамда Япония божхона хизмати маъмуриятининг кўмағида Тошкентда Киота конвенциясининг янги таҳрири бўйича минтақавий семинар ўтказилди.

Ишлаб чиқилди. У Жаҳон божхона ташкилотига аъзо 35 та давлат томонидан имзоланди. Халқаро савдо қўламини янада кенгайтириш, божхона тизими фаолиятини соддалаштириш

ҳамда божхона қонунчилиги-га риоя этиш конвенциянинг устувор вазифалари этиб белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси давлат божхонаси томонидан Жаҳон божхона ташкилоти

экспертлари иштирокида "Ўзбекистон Республикаси"нинг янги таҳриридаги Бош таърифи тўғрисида"ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Ушбу қонун лойиҳаси юқорида кайд этиб ўтилган Киота конвенциясининг талаб ва меъёрларига тўлиқ жавоб беради.

Инобат ЭГАМКУЛОВА,  
"Туркистон-пресс"

Эшикдан кириб келган гавдали киши ташқарида қолган ҳамроҳига сўзлаётган ҳикоясини давом эттираётгандек тинмай гапирарди. Енгил жилмайган ҳолда биз билан наридан-бери қўл олишиб чикди-да, яна сўзини давом эттира кетди:

— Мен ҳеч қандай бўянишу пардоз-андозсиз саҳнада таниқли уч одамнинг тимсолини ярата оламан. Биринчиси — собиқ раҳбаримиз Усмон Юсупов, иккинчиси

таниқли созанда ва бастакор — Мухаммадjon Мирзаев ва ниҳоят учинчиси у ҳам таниқли мусиқачи, яъни каминани камтаринининг ўзлари Нусрат Иноқовдир...

Меҳмон хона ўртасида турган ҳолда гапга шундай тўн бичиб, кийдириб юборар эдики, биз эс-хушимизни йиғштириб олгунимизча ҳангоманинг биринчи қисми тугаган эди. Меҳмон ўзини тарозига солимай иккинчи қисмини бошлаб юбора қолди.

— Ойнаи жаҳон янги чиққан кезлар эди. У пайтларда кўрсатувларни олдиндан тасмага ёзиб олишлар қаёқда дейсиз? Тўппа-тўғри экранга рўпара бўлиनावерарди. Бир кун кечки кўрсатувларнинг биринчи Мухаммадjon Мирзаевнинг куйини қашкар рубо-

бида чапиб чикдим. Шу пайтда устоз ширин кайф гаштини суриб, мусиқа арши-аълосида жавлон ураётган эканлар. Экранда мени кўрган аёллари шошганча у кишини уйғота бошлабдилар:

— Хай, хўжайин, туригн,

турақолинг телевизорда ру-

гани экан?! Телевизорга чиқмоқчи бўлсанг ўзинг бўлиб чиқавер-да. Ҳали шошмай тур. Эртага ишга келсан-ку... — деб яна пинакка кетибдилар.

Мен ишга барвақт этиб келиб устозни ташқарида кута бошладим. Шу орада

ишқалчи — ҳангомата-лаблар ҳам пайдо бўлишиб, бурчак-бурчакда «шивир-шивир» қила бошлашди. Улардан бири

олисан устознинг қораси кўриниши биланок югуриб бориб пинжига кирди-да, ниманидир ўқтира бошлади. Қарасам, устознинг авзойи бузилди. Дарҳол югуриб бориб қўлларини олдимда, оғиз очиргани қўймай ялпизлашга тушдим.

— Қашқар рубобининг султони бўлмиш устозга саломлар бўлсин! Бу даргоҳга биздан кейин келган бўлсангиз ҳам машхур бўлиб кетдингиз... Устозсиз...

Бу сўзлардан устоз товага ташланган сарёгдек эриб кетдилар. Мени эркалаб бағриларига босарканлар, атрофимиздаги ҳангоматабларга дедилар:

— Бу менинг чин оғайним бўлади.

Мурод ПАРПИХЎЖАЕВ

## МАҚТОВ, МАҚТОВ-ДА...

Ҳаётий ҳангома

боб чалаёспиз.

Устоз кўзларини ишқаб жавоб қилибдилар:

— Эсинг жойидами, хотин? Ўзим уйда бўлсам қандай қилиб, телевизорда рубоб чаламан?!

Янгам бу гапга қулоқ солмай янада қўстай бошлабдилар:

— Бўлақолсангиз-чи, туригн тезроқ!... Ҳозир чалаётган куйингиз тугаб қолади. Ана, қаранг, худди ўзингиз... Устоз эриниб, экранга нигоҳ ташлабдилар-ку, кўзлари мошдек очилиб кетди.

— Ёпирай! Тушимми, ўнгимми? — Бир неча мuddат нигоҳлари экранга қадалиб тургач, кейин лоқайд қўл силтабдилар: — Э-э-э, бу анави найчи-ку. Унинг бу нима қил-

Гоан

## ПОМИДОРНИНГ ЯНГИ НАВЛАРИ

Полиз ва сабзавот экинлари миришкорлари бой тажрибалари асосида помидорнинг қатор янги навлари яратилди. «Тошкент тонги», «Тошкент гули», «Шарқ юлдузи» деб номланган серхосли помидор навлари ҳам деҳқонларга манзур бўлди.

Ўзбекистон сабзавот, полиз экинлари ва картошқачилик илмий-тадқиқот институти селекционер олимлари бу соҳадаги изланишларни давом эттириб, яна жиддий ютуқларни қўлга киритдилар. Номавсумий мuddатда ёпиқ усулда сабзавот етиштиришнинг технологияси ишлаб чиқилди.

Айни вақтда бу экинларнинг технологик хариталари тузилди.

Ўсимликларни аниқлашга доир ишлаб чиқилган тавсиялар ҳам миришкор деҳқонларга қўл келди. «ДВЕ — Мария», «Гулқанд», «Субҳидам», «Турон», «Сайхун F» каби янги навлар помидорини яратишда ҳам бу хил технологияларга амал қилинмоқда.

Акбар АЛИЕВ

## ТОШКЕНТДА ИНДОНЕЗИЯ КИНОСИ

Тошкентда Индонезия кино ҳафталиги бошланди. Тадбир Индонезиянинг Ўзбекистондаги элчихонаси ҳамда Ўзбекистон дўстлик жамиятлари кенгаши томонидан уюштирилди.

— Кино ҳафталиги элчихонамиз Ўзбекистонда иш бошлаганлигининг ўн йиллиги ҳамда Индонезия Республикаси Мустақиллик кунига бағишланади, — деди маросимда сўзга чиққан Индонезия республикасининг мамлакатимиздаги Фавкулдда ва мухтор элчиси Хошим Солих. — Шу кунларда тошкентликлар эътиборига бешта фильм ҳавола этилади. Улардан учтаси комедия ва биттаси мусикий драма ҳисобланади. Мазкур асарларнинг ҳаммаси ёш режиссёрлар томонидан суратга олинган бўлиб, улар халқимизнинг бугунги кундаги ҳаётидан ҳикоя қилади.

Ҳ.Солих ушбу фильмларни кўриш Индонезия халқининг турмуш тарзини яқиндан библиш имконини беради, деб таъкидлади.

Ҳафталик давомида пойтахт томошабинлари Индонезия киносанъаткорлари суратга олган «Агар у бўлганида», «Ўттиз кун муҳаббат излаб», «Юдузалар рақсга тушарверсин», «Муҳаббат ва итоат», «Эйфел минорасини севиб қолдим» каби фильмларни кўришлари мумкин.

**Н.ДЕВЛИСУПОВА,  
«Туркистон-пресс»**

## АФРИКА: ДАКАР АНЖУМАНИ

Сенегал пойтахти Дакар шаҳрида «Африка - XXI асрда: интеграция ва тикланиш» мавзuida халқаро анжуман бошланди.

Унда Африка қитъаси мамлакатларидан келган мингга яқин вакил қатнашмоқда. Улар орасида қитъа давлатларининг раҳбарлари, сийосатчилар, Нобель мукофотиға сазовор бўлган турли соҳа вакиллари, маданият намояндалари бор.

Африка Иттифоқи комиссияси раҳбари Анфа Умар Конаренинг таъкидлашича, айни пайтда қитъанинг нотинч нуқталаридан бирига айланган Судандаги вазият кун сайин мураккаблашиб бормоқда. Шу боис ҳам Дарфурдаги хунрезликларга чек қўйиш керак. Бунга эришилмаса, Руанда воқеалари такрорланиши мумкин.

Ўн йил аввал Африкадаги мазкур мамлакатда қабиалар ўртасидаги этник можаролар тўғрисида миллионлаб бегуноҳ одамлар қирилиб кетган эди. Шу боис Африка қитъасида турли қабиалар ўртасида юзга келадиган қарама-қаршиликларнинг олдини олиш, оммавий қирғинларнинг бошланиб кетишига йўл қўймаслик керак.

Анжумандан кўзланган мақсад қитъадаги шунга ўхшаш муаммоларни атрофича муҳокама қилиб, уларга ечим топишдан иборатдир.

**Жасур КЕНГБОВЕВ  
(ЎзА)**



Пойтахтимиз бозорлари ўзининг файзу таровати билан нафақат ҳамшаҳарларимизни, балки шаҳримиз меҳмонларини ҳам мафтун этади.

## Анжуманлар

## ЕТАКЧИЛИКДА АЁЛЛАРНИНГ СИЁСИЙ ФАОЛЛИГИ

Маълумки, мамлакатимизда давлат ва жамият курилишида хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш энг долзарб вазифалардан саналади. Президентимизнинг «Ўзбекистон Хотин-қизлар қўмитаси фаолиятини қўллаб-қувватлаш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги Фармони ва Вазирлар Маҳкамасининг тегишли қарорида белгиланган вазифалар асосида ишлаб чиқилган янги ҳаракат дастурига мувофиқ жойларда самарали ишлар олиб боришмоқда.

Жумладан Фармон ижросини бажариш борасида шаҳримизнинг ҳар бир туман хотин-қизлар қўмиталари ўзларининг ҳаракат дастурларидан келиб чиқиб устувор вазифаларни белгилаб олганлар. Шулар қаторида Миробод тумани хотин-қизлар қўмитаси аёллар ўртасида лидерлик-етакчилик қобилиятини ривожлантириш йўналишини устувор вазифа деб белгиланган. Бу йўналишнинг асосий маркази Тошкент Давлат шарқшунослик институтидаги Лидер қизлар клуби деб топилди.

Кўни кеча Тошкент Давлат шарқшунослик институтида ушбу институт хотин-қизлар қўмитаси, «Аёл ва жамият» институти ҳамда Миробод туман хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида «Етакчиликда аёлларнинг сиёсий стратегияси» мавзuida илмий-амалий семинар-тренинг бўлиб ўтди. Анжуманда Миробод тумани таълим муассасаларининг хотин-қизлар қўмиталари раислари ва аъзолари иштирок этдилар. Тадбирда Тошкент Давлат шарқшунослик институтининг хотин-қизлар қўмитаси раиси Саида Аъзамхўжаева, фалсафа фанлари доктори Манзурат Холматова, Миробод

тумани хотин-қизлар қўмитаси раиси Муҳаббат Зоҳидова, «Аёл ва жамият» институтининг директори Наталья Муравьева ва бошқалар сўзга чиқиб, «Лидер қизлар фаолияти», «Етакчиликда аёлларнинг сиёсий стратегияси», «Лидер қизлар қандай бўлиши керак?» сингари мавзуларда ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар.

— Ушбу анжумани ўтказишдан мақсад, хотин-қизлар ўртасида лидерлик қобилиятини ривожлантириш ҳамда аёлларимизни республикамиз ижтимоий-сиёсий ҳаётида фаол иштирокчиларга айлантириш мақсадини қўзғовчи илмий ва амалий масалалар юзасидан маслаҳатлар олиш. Биз ўйлаймизки, бундай учрашувлар муттасил давом этиши зарур. Чунки бу узлуқсиз жараёндир, — дейди институт хотин-қизлар қўмитасининг раиси Саида Аъзамхўжаева.

Дарҳақиқат, мамлакатимизда хотин-қизларнинг фаоллигини ошириш, қизларнинг лидерликлари тайёрлаш бўйича олиб борилаётган ишлар келгусида албатта ўзининг ижобий самарасини беради.

**Дилора ШОКИРОВА**

Жаҳон банки ва Ўзбекистон ҳукумати ўртасида «Саломатлик 2» лойиҳаси доирасида 40 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредит шартномаси имзоланди.

## ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

Ушбу ҳужжат асосида 2004-2009 йилларда 217 та қишлоқ врачлик пункти, 10 та шаҳар поликлиникаси, тиббиёт олий ўқув юр்தларининг учта ўқув маркази, туман марказий шифохоналари учун 99 та лаборатория ва 163 та ўқув маркази ҳамда бошқа бинолар қуриб битказилади.

«Саломатлик 2» лойиҳаси «Саломатлик 1» лойиҳасининг давоми бўлиб, қишлоқ жойларида соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилишга қўмаклашади. Лойиҳада кўзда тутилган мақсадларга эришиш учун Жаҳон банки томонидан 40 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредитнинг молиялаштирилиши қамқил қилади. Чунки дастлабки лойиҳани молиялаштиришга, бешта ҳудуд учун 70 миллион АҚШ доллари сарфланганди. Иккинчи ҳужжат асосида эса тўққизта ҳудудни ўзлаштириш учун 150-160 миллион АҚШ доллари талаб этилади.

— Мазкур лойиҳа Ўзбекистон қишлоқларида тиббий хизматни яхшилаш билан бирга банкнинг донорлик вазифасини ҳам мувофиқлаштиради, — деди Жаҳон банкнинг Марказий Осиё бўйича минтақавий директори Дэнис Де Трей.

**Хусан СУЛАЙМОНОВ,  
«Туркистон-пресс»**

## Қўннинг келгиси

## ЛОҚАЙД ВА БЕФАРҚ БЎЛМАЙЛИК

Баъзи-баъзида, бозорга тушиб бир кўнгил ёзиб келмасам, юрак кургур тинчмайди. Савдогарларнинг қулқони қоматга келтиргудек: кеп қолинг, оп қолинг, сотаман-у кетаман дея баҳарайтганидан таъсирланиб, гоҳида «э, қандининг ур-э», деб юборганимни ҳам сезмай қоламан. Лекин...

«Қовун қовундан ранг олади», «Қозонга яқинлашсанг, қораси юқди» дейишади. Нахотки бундан андоза олиб тақлид қиладиганлар топилишини ўйлаб кўрмаймиз. Бу эртанги кунимизнинг бунёдкорлари бўлган ёшлар онгини заҳарлаб қўймасмикан? Баъзида бар, дискотекаларга кўзим тушиб қолса, гўёки юқоридаги суратнинг яна бир жонли қиёфаси пайдо бўлаётгандек туюлади.

Кечагина бир-бирига кўнгил қўйиб, сениз туролмайман деб турмуш қураётган ёшлар бор, икки ойда ажрашиб кетяпти? Бегуноҳ гўдакларнинг тирик етим бўлиб қолаётганини ёки майиб-мажруҳ бўлиб тугилаётгани-чи?! Ким айбдор ахир? Кеча-кундуз маишатдан бўшамаётган айрим ёшларми ёки уларни ўз холига ташлаб қўйган ота-оналарми?

Биз атрофимизда содир

бўлаётган хунук воқеа-ҳодисалар ҳақида фақат газета ёки телевидение орқали билиб қоламиз, ўзимизнинг эса ҳеч нарсаси билан ишимиз йўқ.

Кўраёписизми қанчалик беварқмикан. Ким билади: ҳали биз билмаган қанчадан қанча муаммолар айқаш-уйқаш бўлиб ётибди экан... Тўғри, айтишга арзигулик ютуқларимиз ҳам жуда кўп. Лекин иқир-чикир, майда-чуйда деб қатор муаммолар назардан четда қолмаптимикан? Натижада эса «муаммо» сўзининг орқасидан «глобал», «долзарб» деган жумлалар ўз-ўзидан пайдо бўляпти. Ўйлаб кўрайлик. Токи бунинг олдини олмас эканмиз сўнгги пушаймонимиз ўзимизга душман бўлиши аниқ. Сўзимнинг ҳулосасида ҳам айтмоқчиман: чуқурроқ ўйлаб кўрайлик. Чунки бу биз ўйлаганчалик оддийгина муаммо эмас, у ҳаффи ва юқумлидир. Бир нарсани ҳам унутмайликки лоқайдлик, беварқлик ниҳили ажриқча ўхшаш зарарқундан дўсимта. У биз «одамзот»ни ҳеч қачон қутмайди. Аксинча гоҳ у ёқдан, гоҳ бўёқдан қуртак отиб ўсаверади. Уни вақтида, тағ-томири билан юлиб ташлаш зарур.

**Юнус АСРОПОВ,  
Ўзбекистон Миллий  
университети талабаси**

## МИЛЛИЙ ИСТИҚЛОЛ ҒОЯСИ ВА ЁШЛАР

Республика ўқувчилар саройида “Миллий истиқлол ғояси менинг тақдиримда” мавзуида давра суҳбати ўтказилди. Унда Республика Олий Мажлисининг Ёшлар ишлари қўмитаси раиси Азамат Зиё иштирок этди.

Мазкур тадбир ўқувчи ёшларнинг дунёқарашини кенгайтириш, миллий ва умумбашарий қадриятларга бўлган ҳурматини юксалтириш, сиёсий ва ижтимоий онгини ошириш, миллий истиқлол ғояларини тарғиб этиш ва оммалаштириш мақсадида ташкил этилди.

Тадбирда мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, ўтказила- жак икки палатали сайдов- лар ҳамда ижтимоий-сиё- сий ислохотлар, ёшлар му- аммолари муҳокама қилин- ди.

Давра суҳбатида таъкид- ланишича, бундай тадбир- лар миллий истиқлол ғоясининг мазмун-моҳияти ва асосий тамойилларини, шунингдек, ватанпарвар- лик масалаларини кенгрок ёритишга хизмат қилади.

## ЁШ МУСАВВИРЛАР ТАНЛОВИ

Тошкентда ёш мусавви- рларнинг республика танлови ўтказилди. Унда вилоятлар, Тошкент шаҳри ва Қорақал- поғистон республикасида 200 дан ортиқ ёш мусавви- рлар иштирок этди.

Ушбу танлов Жанубий Кореянинг мамлакатимиз- даги элчихонаси томонидан ташкил этилган “Дўстлик фестивали” доирасида ўтказилди.

Мазкур фестиваль доира- сида Тошкент, Наманган, Ангрн ва Самарқанд ша- ҳарларида турли маданий тадбирлар, кўргазмалар, ёшлар ўртасида эса, кўрик-танловлар, музикъй кечалар ўтказилиб, энг аълочи ўқувчилар рағбат- лантирилади. Дўстлик фести- валининг илк танловида ёш мўйқалам усталари тур- ли мавзулардаги тасвирий санъат асарлари орқали ўз истеъодларини намойиш этишди.

Ёш мусавви- рлар ишини корейлик мутахассислардан иборат ҳакамлар ҳайъати баҳолаб борди. Танловда би- ринчи ўринни эгаллаган ёш мусавви- рга Жанубий Коре- яга сафар қилиш имконини берадиган бепул йўлланма берилди. Қолган ижодкор- ларга эсдалик совғалари топширилди.

Инобат ЭГАМҚУЛОВА,  
“Туркистон-пресс”



Бозор ва харидор

## АНИҚ РЕЖАЛАР АСОСИДА

Ҳозирги кунда харидорларимиз ўзимизда ишлаб чиқа- рилаётган маҳсулотларнинг сифати, кўркемлиги, чидамли- лиги, асосийси, нисбатан арзонлигидан мамнун бўлаётган- лиги қувонарли ҳол. Бу албатта, тадбиркорларнинг заҳмат- ли меҳнатлари, янгилликка интилишлари, ташаббуслари ту- файли юзга келмоқда. Сергели туманида фаолият юрита- ётган «Met-fur servis» масъулияти чекланган жамияти ҳам ишлаб чиқаришда ўз йўлини топган жамоалар сирасига ки- ради.

Мазкур корхона 1999 йилда 6 кишидан иборат жамоа билан аниқ мақсадларни кўзлаган ҳолда, ички бозоримизни чуқур ўрганиш асосида харидорлар диди, эҳтиёжини эътиборга олиб иш бошлаганди.

— Бозор иқтисодиёти шаро- ити талабларидан келиб чиққан ҳолда асосий эътиборни си- фатга қаратган ҳолда ишлаб чиқаришни юритмоқдамиз, — дейди корхона бошқаруви ра- иси Шавкат Халилов. — Бугун- ги кунга келиб жуда кўплаб тур- даги сифатли фурнитура мах- сулотлари тайёрламоқдамиз. 50 нафарга яқин ишчи-хизмат- чилар буюртмаларнинг ўз вақ- тида удаланиши йўлида сайъ- ҳаракатлар қилмоқдалар. Эъти- борли томони, жамоада асосан малакали, ўз ишининг усталари меҳнат қиладилар.

Ўтган йиллар мобайнида корхонада ишлаб чиқаришни кенгайтириш, яъни цехлар кўпайиши, Россиядан келти- рилган унумли техника ва тех- нологиялар ҳисобига йилдан- йилга янги маҳсулотлар турла- ри озиб буюртмачилар сафи ҳам кенгайди. Масалан, ўтган йили мазкур корхона ахли унумли меҳнатлари туфайли 20 миллион 40 минг сўмлик соф фойда олишга муваффақ бўлди. Бунга ўз-ўзидан эри- шиб бўлмаслиги ҳеч кимга сир эмас.

Ушбу жамиятда 5 та асосий ишлаб чиқариш цехлари мав- жуд бўлиб, асбобсозлик, штам- повка, формовка, карнизлар тайёрланадиган участкалар корхонанинг юраги ҳисоблана- ди. Айниқса, кўркем, чидамли, ишлатишда жуда қулай бўлган ҳар хил ҳажмдаги карнизлар, струналарнинг бозори чаккон. Жумладан, мебелсозлик, ен- гил саноатда кенг қўлланила- диган ҳамда ҳарбий хизматчи- лар учун асқотадиган фурниту- ра буюмларининг буюртмачи- лари нафақат шаҳримизда, бал- ки бутун республикада ҳам кўплаб топилади. Корхона жа- моаси ўзининг янги маҳсулот- лари билан туман, шаҳар ми- қёсида ўтказиладиган кўрик- танлов, савдо-кўргазмалар, яр- маркаларда фаол қатнашиб келмоқда. Ҳар бир янги махсу- лот эса ишчи-хизматчиларнинг ўзаро ҳамжихатлигида яратила- ди. Янгилликка интилган жамия- т аъзолари шу кунларда 100 дан ортиқ турдаги фурнитура буюмларини ишлаб чиқармоқ- далар. Жорий йил бошидан 7 ойлик кўрсаткич 28 миллион сўмни ташкил этди.


Корхонанинг доимий буюрт- мачилари — Ўзбекистон Респуб- ликаси Енгил саноат вазирлиги тасарруфидagi корхоналар, ташкилот, фирмалар ҳисоблана- ди. Масалан, «Орзу», «Тонг» ҳиссасдорлик жамиятлари шулар



жумласидандир. Цехлардаги техникадан унумли фойдала- ниш йўлида чилангар-созловчи- лар ғайрат-шижоат кўрсатмоқ- далар. 20 йилдан ортиқ иш таж- рибасига эга бўлган уста Аҳмад- жон Зарипов, унинг шогирди ёш зехли созловчи Эркин Ха- лилов, илгор ишчилардан Тош- турди Эргашевлар меҳнати ало- ҳида таҳсинга лойиқ.

ишлаб чиқариш учун қизгин тайёргарлик кўриломоқда.

«Интилганга — толе ёр» де- ганларидек, янгилликка инти- лиш, ташаббускорлик бор жой- да ишда барака бўлади. «Met- fur servis»чилар сайъ-ҳаракатла- ри билан йил охиригача яна янги иш ўринлари яратилади ҳамда ички бозоримизда кўркем, рақобатбардош махсу-



Кувонарлиси, ишлаб чиқа- ришдан олинган фойда корхо- нани ривожлантиришга йўнал- тирилмоқда. Ривожланиш йўлидан бораётган жамоа ахли маҳсулотлари турини кўпайтир- моқда. Айни кунларда икки хил болалар ҳамда ўсмирларга мўлжалланган велосипедларни

лотлар ўз мижозларини мамнун қилади деган умиддамиз.

Муқаддас УМАРБЕКОВА  
СУРАТЛАРДА: «Met-fur servis» масъулияти чеклан- ган жамияти фаолиятдан лавҳалар.

Ҳақимжон Солиҳов олган суратлар.

Педиатрия илмий-текшириш институтида со- гликни сақлаш тизимининг бирламчи бўғинида кўрсатилаётган педиатрия хизмати сифатини яна- да яхшилаш масалаларига бағишланган республи- ка илмий-амалий семинари бўлиб ўтди.

## БОЛАЛАР САЛОМАТЛИГИ ЙЎЛИДА

Унда соғлом фарзанд ту- гилиши ва камолга етиши- ни таъминлашда «Соғлом авлод», «Она ва бола» дав- лат дастурларида белгилан- ган вазифаларнинг ҳаётга татбиқ этилиши яхши сама- ра бераётгани таъкидланди. Республика педиатрия ил- мий текшириш институтида олиб борилаётган илмий изланишлар ҳам ана шу мақсадга қаратилмоқда.

— Ҳозирги кунда асосий эътибор болалардаги касал- ликларни интеграциялашган тарзда даволаш усулини тат- биқ этишга қаратилган, — деди институт директори, тиббиёт фанлари доктори Дилбар Махмудова ўза мух-

бирига. — Ушбу тадқиқотни амалиётда самарали қўллаш мақсадида институтида ало- ҳида марказ ишлаб туриб- ди. Мазкур усулда даволаш- да боланинг касаллиқка ча- линган аъзосигина эмас, балки гўдақ саломатлиги комплекс тиббий назорат- дан ўтказилиб, тегишли му- олажа қўлланилади.

Семинарда кишлоқ врач- лик пунктлари, болалар шифохоналари мутахассис- лари ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари вакиллари иштирокидаги семинарда болаларга ана шу йўналиш- да тиббий ёрдам кўрсатиш муаммолари ва истиқболла- ри муҳокама этилди.

## РАҚАМЛИ РАДИО ДАВРИ КЕЛДИ

Пойтахтимизда Алоқа соҳасидаги минтақавий ҳамдўстликнинг икки ишчи органи — Радиочастота спектридан фойдаланишнинг тар- тибга солиш ва радиоэлектрон воситаларининг электрмагнит мос- лиги масалалари комиссияси ҳамда йўлдош алоқа, телевизион ва овозли радиоэшиттириш бўйича комиссиянинг навбатдаги қўшма мажлиси бўлиб ўтди.

Унда Озарбойжон, Арманистон, Бе- ларус, Қозоғистон, Қирғизистон, Молдова, Россия, Тожикистон, Ўзе- бекистон ва Украина алоқа маъмурият- лари делегациялари иштирок этди.

Тажриба алмишиш доирасида Бе- ларус, Молдова, Россия, Ўзбекистон ва Украина вакилларининг радиочас- тота спектри борасида меъёрий- ҳуқуқий таъминот ва бошқаруви таш- кил этиш тўғрисидаги маърузалари тин- гланди ҳамда радиомониторинг маса- лалари кўриб чиқилди. Таъкидланди- ки, алоқа маъмуриятлари томонидан қонунчилик ва меъёрий базани тако- миллаштиришга доир қўрилаётган чо- ралар замонавий ахборот-коммуника- ция технологияларини жорий қилиш- га ёрдам беради.

Мажлисида рақамли радиоэшитти- ришни режалаштириш бўйича ҳудудий

радио алоқа конференциясининг би- ринчи сессияси якунлари ва иккинчи сессияга тайёргарлик ишлари кўриб чиқилди. Рақамли радиоэшиттириш ҳозир амалдаги радиоэшиттириш ту- рининг ўрнини босади. Бу эса радио- частота спектри сифатини яхшилаш ва фойдаланиш самардорлигини ошира- ди ҳамда эшиттириш дастурлари со- нини кўпайтириш имконини беради.

Қўшма мажлисда навбатдаги Жаҳон радиоалоқа конференциясига тайёр- гарлик масалалари ҳам кўриб чиқил- ди. Алоқа соҳасидаги ҳудудий ҳамдў- стлик алоқа маъмуриятларининг 2007 йилда Женевада бўлиб ўтадиган Жа- ҳон радиоалоқа конференциясига тай- ёрлик режасида келишилган ҳолда умумий таклифларни ишлаб чиқиш кўзда тутилган.

## Шарҳловчи

## тиббари

ДАРФУР  
МОЖАРОСИ  
ЯКУН  
ТОПАДИМИ?

Ўтган чоршанба кунин Хартум шаҳрида Буюк Британия бош вазири Тони Блэр ва Судан президенти Умар ал-Башир ўртасида учрашув бўлиб ўтди. Унда Суданда ҳукм сураётган беқарор вазият атрофлича таҳлил этилди.

Т.Блэр Судан ҳукумати-ни Дарфур провинцияси-да содир этилаётган зўравонликларга чек қўйишга чақирди. У ушбу ҳудудда араб миллатига мансуб аҳоли вакилларида иборат «Жанжавид» ҳарбий-лашган гуруҳи ва маҳаллий қўзғолончилар ўртасида кўп йиллардан буён давом этаётган зиддиятларга барҳам бериш юзасидан зарур чора-тадбирларни кўришни ҳам сўради.

БМТ Бош Ассамблеясининг яқинда ўтган 59-сессиясида ҳам Дарфур можадроси муҳокама этилганди. Ҳозир халқаро кузатувчилар томонидан ушбу ҳудуддаги вазият ўрганилмоқда.

Дарфурдаги фуқаролар уруши бундан икки йил илгари ер ости заҳираларига эгалик қилиш масаласида «Жанжавид» жангарилари ва маҳаллий аҳоли ўртасида юзага келган келишмовчилик боис бошланган эди. Унинг оқибатида бугунги кунга қадар 50 мингдан ортиқ одам ҳалок бўлди ва салкам бир ярим миллион киши бошпанасиз қолди.

РАТА-ТАСС ахборот маҳкамаси тарқатган хабарларга қараганда, Суданда очлик ва турли хил юқумли касалликлар оқибатида икки миллиондан зиёд одам ҳаётдан кўз юмган. Тўхтовсиз давом этган ҳарбий ҳаракатлар мамлакат ижтимоий инфратузилмасини, хусусан соғлиқни сақлаш тизимини бутунлай ишдан чиқарди. Қашшоқлик, очлик, бошпанасизлик муаммолари тобора кўчяйиб бораётир.

Судан президенти бир неча кун илгари мамлакатдаги ички низоларга тинч йўллар билан барҳам берилишини маълум қилганди.

Ушбу масалада яқин кунларда Дарфур провинциясидаги икки қарама-қарши курашувчи кучлар иштирокида музокара ўтказилиши режалаштирилмоқда.

## Қўрғазмалар

Ўзбекистон Бадий академиясининг марказий қўрғазмалар зали доимо санъат илҳоммандлари билан гавжум. Бу масканда мўйқалам усталари нинг турли мавзудаги рангтасвир асарлари қўрғазмаси намойиш этилиб, санъатсевар мухлислар эътиборини жалб этиб келмоқда.

РЕАЛИСТИК  
МАКТАБ  
АНЪАНАЛАРИ

Айни кунларда қўрғазмалар залида очилган Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий академияси ва Россия Бадий академияси академиги, Давлат рангофтининг совриндори Раҳим Аҳмедов ва унинг шогирдлари қўрғазмаси Ўзбекистонда бадий

таълимининг 50 йиллигига бағишланди. 1953 йилларда навқирон, ғайрат-шижоатли рассомлар Маннон Саидов, Нигмат Қўзибоев, Виктор Зеликов, Тачат Оганесов ва Раҳим Аҳмедовлар И.Репин номи Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург)

рангтасвир, ҳайкалта-рошлик ва меъморчи-лик институтига та-ғиб, педагогик фаоли-ятлари бошлади. Улар Ўзбекистоннинг етук академик маълу-мотга эга бўлган илк рассомлар авлодига асос солдилар. Кўп йиллар давомида бу етакчи устоз рассом-лар ўз зиммаларига барча педагогик масъу-лият ва шогирдга бўлган муҳаббатни ҳис қилган ҳолда тарихий вазифани бажаришга



лашган Набиев «хотини» Содикованинг гапига кириб, гиванд моддалар олди-сот-тисига қўл уришга жазм қилади.

«Дунёда ҳамма нарсадан кўп учрайдиган ҳодиса — жи-ғилдон кўйида ҳар қандай кўчага кириб қолишдир», дейди ғарб файласуфи Ло-рашфуко. Набиев ҳам жиғил-

ташлаганди. У Эгамни ланда-вурликда, латтачайнарликда айблаб ортга қайтади. Бечо-ра Эгам «хай-хай»лаганича қолаверади.

Харидорлар эса Набиевни тинмай таъкиб этар, гиванд воситасини тезроқ топиб бе-ришни илтимос қилишарди. Ва ниҳоят Набиевнинг муро-ди ҳосил бўлди. Унинг бах-

ҳамда Ўзбекистонда реалистик мактаб анъаналарини юксалтиришга киришдилар. Шунингдек, кўпгина ўзбек рангтасвирчи-лари авлодларини тарбиялаб, оёққа турғаздилар.

Ярим асрдики, устоз-муассавир Раҳим Аҳмедов ғайратли ижодий фаолияти билан биргаликда мураббийлик ишларини ҳам олиб бормоқда. Қўрғазмалар залида айни кунда нафақат устоз- муассавирнинг, балки унинг маҳоратли шогирдларининг асарла-ри ҳам намойиш этилмоқда. Бугунги кунда уларнинг кўпчилиги Ўзбекистонда, шунин-гдек Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикис-тон, Ўзарбойжон, Арманистон, Афғонистон-да яшаб ижод қилишмоқда.

Қўрғазмада юздан ортиқ муаллифлар-нинг 300 дан ортиқ турли мавзудаги ранг-тасвир асарлари намойиш этилмоқда. Қўрғазма 15 октябргача давом этади.

Гулнора ХАМИДОВА  
СУРАТЛАРДА: қўрғазмадан  
лавҳалар.

Владимир Гранкин олган суратлар.

## Ҳукм қилин

«ОҚ АЖАЛ»  
ОҒУШИДА

Ўтган асрининг охирига келиб инсоният иккита муҳиш тахлика — ОИТС (СПИД) ва гиванд моддалар контрабандаси, уни истезмол қилиш орқали келиб чи-қадиган касалликлар асоратидан мажруҳлана бошла-ди. Биз янги юз йилликка ана шу «мерос»лар билан бақамти кириб келдик.

донни тезроқ ҳаром-ҳариш билан тўлдириш истагида гоҳ «борса келар», гоҳида эса «борса келмас» йўлларда даражада фойдаланмаса оқибатда дилни хира қилади-ган натижа зоҳир бўлади. Х.Муродов, А.Содиқова, О.Набиевлар олдин ҳам пан-жара ортидаги ҳаёт «лаззат»ини татиб кўришган бўлса-да, тегишли тўхтама келишмаган кўринади. Бу икдорсизлик эса яна бошқа бир жиноятни келтириб чи-қарди. Аслида ҳаммаси Ази-занинг Самарқандга гуруч савдоси билан боришидан бошланди. Уша ерда у Обид Набиев билан танишди. Улар 1995 йилдан то 2000 йилга-ча никоҳсиз яшаб келишди.

Шу орада Набиев муқад-дам содир этган жинояти учун 14 йил муддатга озодликдан маҳрум этилади. Кези кел-ганда шуни ҳам айтиш керак-ки, Набиевга «Амнистия» тўғрисида-ги Фармондаги бандлар қўлланиб, жиноий жазо маҳсус манзил муасса-сасига кўчирилади.

«Туянинг юки енгил бўлса ётаган бўлади», дейдилар. Жазо тури анча-мунча енгил-

диган қўрғазмалар залида очилган Ўзбекистон халқ рассоми, Ўзбекистон Бадий академияси ва Россия Бадий академияси академиги, Давлат рангофтининг совриндори Раҳим Аҳмедов ва унинг шогирдлари қўрғазмаси Ўзбекистонда бадий таълимининг 50 йиллигига бағишланди. 1953 йилларда навқирон, ғайрат-шижоатли рассомлар Маннон Саидов, Нигмат Қўзибоев, Виктор Зеликов, Тачат Оганесов ва Раҳим Аҳмедовлар И.Репин номи Ленинград (ҳозирги Санкт-Петербург) рангтасвир, ҳайкалта-рошлик ва меъморчи-лик институтига та-ғиб, педагогик фаоли-ятлари бошлади. Улар Ўзбекистоннинг етук академик маълу-мотга эга бўлган илк рассомлар авлодига асос солдилар. Кўп йиллар давомида бу етакчи устоз рассом-лар ўз зиммаларига барча педагогик масъу-лият ва шогирдга бўлган муҳаббатни ҳис қилган ҳолда тарихий вазифани бажаришга

тига кунларнинг бирида яна бир кадрдони — Ҳақберди Муродов учраб қолади. Шунини айтиш керакки, бу фурсатда ҳам «кўр кўрни қоронғида учратган»ди. Айт-моқчимизки, Муродов му-қаддам судланган, 13 йилга озодликдан маҳрум этилган, аммо, давлатимиз Раҳбари-нинг «Амнистия тўғрисида»-ги Фармони унинг жонига оро кирган бўлса-да, у ҳам юқоридаги Набиевнинг «ка-сал»ига ўхшаш «касал»ликка чалинганди.

Хуллас, Муродов хари-дорлар билан яқиндан тани-шади. Набиев ўзида йўқ ҳур-санд эди. Негаки, энди гишт қопидан кўчган, жиноий ният Муродов билан ҳамкор-ликда ҳамирдан қил суғу-ргандай амалга ошиши мум-кинлигига кўзи етарди унинг. Мақсади пул топиш, йимо-ни мисоли заҳа еган дарахт шохидек чириб тамом бўлган жиноий гуруҳ эндиликда Х.Муродов атрофида жипсла-шиб, 2003 йилнинг 12 сен-тябрь кунда асли Тожикис-тон Республикаси фуқароси бўлган «Баҳодир» исмли шахсдан келишувга кўра,

Самарқанд вилояти Ургут ту-мани ҳамда Тожикистон би-лан чегара олдида учраша-ди ва ундан оғирлиги 1 ки-лограмм миқдордаги героин гиванд моддасини наси-яга олиб, Тошкентга қайти-шади.

Дарвоқе, жиноий гуруҳ таркибиде яна икки киши: ака-ука Равшан ва Ғайрат Аҳмедовлар ҳам борлигини қайд этиш зарур. Улар Х.Му-родов маслағидида тўда ман-фаатларининг амалга оши-шида «халис» хизматлар қилишган. Анкироғи, Х.Му-родовнинг «Баҳодир»дан ге-роин моддасини олишда Р.Аҳмедовнинг хизматлари катта.

Ниҳоят, жиноий гуруҳ аъзолари насияга олиб ке-линган гиванд моддани Х.Муродов бошчилигида Тошкент шаҳар А.Икромов тумани, Чилонзор-24 мавзе-сидаги хонадонларнинг би-рида харидорларга сотаётган бир паллада милиция ходи-млари томонидан қўлга олин-ди...

Суд уларнинг қилган жи-ноятлари учун тегишли жа-золарни тайинлади. Улар ҳозир панжара ортида! Аммо...

Аммо, кишини ўйлатади-ган, ачинтирадиган ҳижат шуки, Х.Муродов, А.Содиқо-ва, О.Набиевлар озодликдан маҳрум этилган яшашнинг нечоғлиқ оғирлигини кўриш-ганди-ку? Ахир, ўт-олов ат-рофида айлана-айлана кано-ти қуйган парвона яна ўзини шам ёруғига урмаса керак. Наҳотки, ана шу ҳаёт ҳақиқатини — улар атғи бир бор бўлса-да, ўйлаб кўрма-ган бўлишса?!

Инсон боласи ўзи кўра бўла туриб, ажал билан ўйнашаёпти. Яна қанақа ажал денг: «Оқ ажал» билан. Унинг оғушидаги оний лаҳ-заларда ором олаётганларга: «Бир қадам ташласанг, нарёғи ўлим!» демоқчимиз!

Саодат МИРСАҒАТОВА,  
Жиноят ишлари  
бўйича Тошкент шаҳар  
суди судьяси.  
Хидирали ПАНЖИЕВ,  
журналист.

## Ғолиб

«ПАХТАКОР»  
ЎРИНБОСАРЛАРИ  
— ГОЛИБ

Маълумки, апрель ойида олий ва биринчи лига жамоларининг 1988-1989, 1990-1991-йилларда туғилган ўсмирлардан таркиб топган ўринбосарлар гуруҳлари ўртасида Ўзбекистон чемпионати мусобақалари бошланган эди.

Икки босқичли мусобақаларнинг биринчи босқичида жамолар минтақа бўлини ҳолда ўзаро тўрт даврада куч синашишди. Гуруҳ ғолиблари иккинчи босқичга — финал ўйинларига йўлланма олишди.

Куни кеча эса 1988-1989 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида Тошкент шаҳри минтақаси бўйича ўйинлар ўтказилди. Эътиборли томони, унда «Пахтакор», «Локомотив» ва «Навбахор» жамолари ўринбосарлари ғолиблик учун кураш олиб боришди. Учрашувларда куйидаги натижалар қайд этилди. «Навбахор» — «Пахтакор» — 1:1, «Локомотив» — «Пахтакор» — 0:1, «Навбахор» — «Локомотив» — 1:2.

Қизиқарли кечган беллашуларда рақибларидан кўра сермазмун ўйин намойиш этиб, бирор марта мағлубиятга учрамаган «Пахтакор» жамоаси мамлакат чемпиони деб эътироф этилди.

Дарвоқе, Наманганда 16-17 октябрь кунлари 1990-1991-йилда туғилган ўсмирлар ўртасида мамлакат чемпионлиги учун ҳал қилувчи учрашувлар бўлиб ўтди.

ТЕРМА  
ЖАМОАМИЗ  
СИНОВГА  
ТАЙЁРМИ?

Айни кунларда мутахассислар муҳлислар 13 октябрда Йорданиянинг Аммон шаҳрида Ироқ-Ўзбекистон терма жамолари ўртасида ўтадиган жаҳон чемпионати саралаш учрашуви савб-сизлик билан кутаётганликларини шубҳасиз.

Чунки ушбу беллашу ҳар икки терма жамоа учун муҳим ҳисобланади. Агар мамлакатимиз терма жамоаси аъзолари дуранг натижа қайд этиб, ироқликларнинг Тошкентдаги натижасини такрорлашга муваффақ бўлишса, жаҳон чемпионати финали сари муҳим қадамни ташлашган бўлишди. Шу боис ҳам терма жамоамиз мураббийлари ўқув-машғулот йигинларига пухта тайёргарлик қўришди. Эътиборлиси, ушбу ҳал қилувчи баҳсга барча легионер футболчиларимиз таклиф этилди. Шу куни яшил майдонда Владимир Маминов ҳам, Максим Шацких ҳам ҳаракат қилиши мумкин.

Дарвоқе, Ироқ терма жамоаси илтимосига кўра мазкур учрашу Катарада эмас, балки Йорданияда ўтказилди деган бўлди.

## ЭРТАГА

Равшан Хайдаров бош мураббийлигидаги Ўзбекистон терма жамоаси Йорданияга жўнаб кетади. Биз эса кўп минг сонли муҳлислар номидан футболчиларимизга омад ёр бўлишини тилаб қоламиз.

(Ўз мухбиримиз)

Шайхонтоҳур туманидаги Олим Хўжаев маҳалласида ҳам ана шундай ҳуқуқий тарғибот тадбири бўлиб ўтди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратураси, Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси, ҳамда «Маънавият ва маърифат» марказининг Тошкент шаҳар бўлими ҳамкорлигида ўтказилган ушбу тадбирда маҳалла фуқаролари, мактаб ўқувчилари ҳамда маҳалла фаоллари иштирок этишди.

Ўсмир ва қонун мавзусидаги тадбирда Тошкент шаҳар «Маҳалла» жамғармаси раиси Рихсатилла Ақромов, Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг Вояга етмаганлар ҳақидаги қонунлар ижроси устидан назорат бўлими бошлиғи ўринбосари Толибжон Умаров, «Маънавият ва маърифат» маркази Тошкент шаҳар бўлими раҳбари Сарвар Абдуллаевлар

## Тадбирлар

## ЎСМИР ВА ҚОНУН

Эртанги кунимиз келажаги ҳисобланган ёшларнинг таълим-тарбияси, илмга чанқоқлиги, қонунларни чуқур билиши ҳамда ёт унсурлар таъсиридан ҳоли бўлишида энг аввало оила, мактаб, маҳалланинг ўрни катта. Оиладан бошланган тарбия мактаб ва маҳаллада ҳам давом этса, ўсмир ёшлар хатти-ҳаракати доимо назоратда бўлса, ҳар бир ёшнинг ҳаёт аталмиш сўмоқлардан тўғри йўлни танлаши осон бўлади. Ҳозирги кунда жойларда бу борада кўплаб амалий тадбирлар, давра суҳбатларининг ўтказилиши ҳам фойдадан ҳоли эмас.

«Маҳаллаларда тарбияси оғир ўсмирлар билан ишлаш», «Диний экстремистик оқимларнинг собиқ аъзоларини воғга етмаганлар таълим-тарбиясига салбий таъсир кўрсатишини олдини олиш чора-тадбирлари», «Ёшлар тарбиясида диний-маърифий ишлар» каби мавзулар


да маъруза қилишди.

— Келажақ давомчилари — ёшларимизнинг ҳар жиҳатдан етук бўлиб воғга етишларида биринчи ўринда оила, маҳалла, мактабдаги тарбия муҳим аҳамиятга эга, — деди жумладан Толибжон Умаров. — Агарда бу учлик ҳамкорлиги яхши йўлга

қўйилган бўлса четдан ёшлар тарбиясига салбий таъсир кўрсатишга интилаётган ёт кучлар ҳаракати бефойда бўлиши аниқ. Шу ўринда ёшларимизнинг қонунларни чуқур тушуниб етиши, уларга доимо бўйсунтирилиш лозимлигини англаб етишлари ҳамда қонунлар олдида бурчли эканлигини ҳам алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Шунингдек, тадбирда диний экстремистик оқимлар, уларнинг ёвуз ниятлари тўғрисида атрофлича гапирилиб, террористик ҳаракатлар чегара бўлмаслиги Шимолий Осетиянинг Беслан шаҳрида содир этилган воқеалар таҳлили орқали яна бир бор ёшларга тушунтириб ўтилди. Тадбир давомида ҳар биримиз доимо оғоҳ ва сергак бўлишимиз, тинчлигимизни асраб-авайлаш асосий бурчимизлиги алоҳида таъкидланди.

Оразгул РУСТАМОВА

ЧЕМПИОН СОВРИНИ  
УЧУН ТУРНИР

Икки юз йигирмадан ортиқ ёш чарм тўп усталари бокс бўйича жаҳон чемпиони Руфат Рискиев соврини учун ўтказилган анъанавий турнирда галаба қозониш учун ўзаро куч синашишди.

Ёш боксчилар техник-тактик усулда «жанг» ўтказиш борасида ўз маҳоратларини намойиш этишди. Ёнг муҳими улар йирик халқаро мусобақаларда қатнашиш учун тайёр эканликларини намойиш қилишди.

Турнир ғолиб ва совриндорларига мукофотларни хизмат кўрсатган спорт устаси Руфат Рискиевнинг ўзи топширди.

СУРАТЛАРДА: жаҳон чемпиони

Руфат Рискиев кутланмоқда; мусобақадан лавҳалар.

Муҳаммад Амин (ЎЗА) олган суратлар.



ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР ТИЖОРAT ХАБАРЛАРИ ВА ЭЪПОНЛАР

## «POYTAHT AUKSION» АУК томонидан 2004 йил 14,21,28 сентябрь ва 8 октябрь кунлари ўтказилган аукцион савдоларига қўйилган автотранспорт воситалари:

«Тошкент поддшипник заводи» МЧЖнинг д/р 08-65ТНЛ бўлган МА3 5334 русумли, 2 000 000 сўмга;

Наркотик моддаларини назорат қилиш миллий маркази ҳисобидagi ULV3L31BDVA015279 рақамли «Нексия» русумли автомобиль кузови, 650 000 сўмга;

«ХНАК» ШКнинг д/р 11AQ 229 бўлган РАФ-220301 русумли, 1 400 000 сўмга;

«Радиопрепарат» корхонасининг д/р 09-15ТНБ бўлган ГАЗ-24-10 русумли, 700 000 сўмга;

Маданият ёдгорликлари илмий ишлаб-чиқариш бош бошқармасининг д/р 10 АХ 321 бўлган Нексия GLE русумли, 2 700 000 сўмга;

«Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг д/р 10 АР 597 бўлган Дамас СТД русумли, 2 000 000 сўмга;

Республика Уруш ва Мехнат фахрийлари пансионатининг д/р 10 АҚ 261 бўлган Ваз-2106 русумли, 1 000 000 сўмга;

Республика Уруш ва Мехнат фахрийлари пансионатининг д/р 10 АЖ 174 бўлган РАФ-2203802 русумли, 1 250 000 сўмга;

Тошкент вилоти ИИБ Автохўжалигининг д/р 10 АҚ 269 бўлган УАЗ-31512 русумли, 700 000 сўмга;

«Сифат» Ўзбекистон пахта толасини сертификатлаш марказининг д/р 10 АР 605 бўлган Дамас СТД русумли, 1 800 000 сўмга;

Ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган, яқна тартибда уй-жой қуриш учун мўлжалланган, ер участкаларининг эгалик ҳуқуқи:

Сергели тумани Дарё бўйи кўчаси, 52-уй ёнида:

— майдони 0,04га, 390 000 сўмга;

— майдони 0,02га, 210 000 сўмга;

Яккасарой тумани Юсуф Хос Ҳожиб кўчасида:

— майдони 0,03га, 1-сонли ер уч., 3 400 000 сўмга;

— майдони 0,03га, 2-сонли ер уч., 3 400 000 сўмга;

— майдони 0,031га, 3-сонли ер уч., 3 500 000 сўмга;

Ҳамда Тошкент шаҳрида жойлашган, қуйидаги ер участкаларининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи:

Ж.Обидова кўчасида савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,01га бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи, 1 200 000 сўмга;

Юнусобод тумани, «ТошГРЕС» мавзеси, Ж.Обидова кўчасида савдо-маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,01га бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи, 1 200 000 сўмга;

Чилонзор тумани, 16-мавзеда савдо ва маиший хизмат кўрсатиш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,015га бўлган 1-сон ер участкаси 4 600 000 сўмга;

Мирзо Улуғбек тумани, Х.Абдуллаев кўчасида стоматология клиникаси қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,01га бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи, 2 000 000 сўмга;

Юнусобод тумани, Шарофобод кўчаси, 2-уйда жойлашган, умумий майдони 368 кв.м, баландлиги 3,22 м бўлган қурилиши тугалланган 3 қаватли маъмурий маиший-мажмуа биносининг 1-қавати 16 500 000 сўмга;

Сергели тумани, Тошкент автомобиль

Халқа йўлида Болалар реабилитацион маркази, маиший хизмат кўрсатиш ва умумовқатлаш мажмуаси қуриш учун мўлжалланган, майдони 0,15га бўлган ер участкасининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқининг узоқ муддатли ижара ҳуқуқи, 4 400 000 сўмга сотилганлигини маълум қилади.

Газетанинг 2004 йил 5 октябрь 191-сонида берилган «ДИККАТ, АУКЦИОН!» сарлавҳали реклама эълонидаги Миробод тумани, Сурхон кўчаси, 26-уйда жойлашган «COMMUNAL TA'MIR» шўба корхонаси савдолардан олинганлигини маълум қилади.



Муассис:  
Тошкент шаҳар  
ҳокимлиги

Бош муҳаррир  
Акмал АҚРОМОВ

Манзилимиз: 700000,  
Тошкент шаҳри,  
Матбуотчилар кўчаси, 32

## ТЕЛЕФОНЛАР:

хатлар — 133-29-70;

эълонлар:

133-28-95, 136-57-65;

факс: (3712) 133-21-56.

Ҳажми — 2 босма тибқо офсет усулида босилади.  
2680 нуссада босилган. Қўғот биринчи А-3

Газета Тошкент шаҳар  
Матбуот ва ахборот  
бошқармасида 02-1-рақам  
билан рўйхатга олинган.

Душанба, сешанба, чоршанба,  
пайшанба ва жума кунлари чиқади.  
Нашр кўрсаткичи — 563

Нашрни етказиб бериш масалалари бўйича турар жойлардаги почта бўлимларига ёки «Тошкент почтасига» — 133-74-05 телефонига мурожаат қилишнинг мумкин.

Газета «Тошкент оқшоми»нинг компьютер марказида терилиб ва саҳифаланди.

«Шорк» нашрийт-матбос акциядорлик компанияси босмохонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41-уй.